



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 21 март, № 57 (4467)

Жума

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 март куни Оқсаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги шаҳзодаси Ал-Валид бин Талол бин Абдулазиз Ол Саудни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Саудия Арабистони билан ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор билан қарашини таъкидлади.

Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар фаоллашиб бормоқда. 2006 йилда Саудия Арабистони Молия вазирлиги делегацияси Ўзбекистонга келган бўлса, Ўзбекистон ҳукумати делегацияси Саудия Арабистонига борди. Уша ташриф асносида Ар-Риёдадаги Подшоҳ Файсал номидаги Ислам тадқиқотлари марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг араб тилида нашр этилган "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади" асарининг тақдимоти бўлди.

ИЕСКО томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган Саудия Арабистонидан катта мамнуъят билан қабул қилинди. Ушбу мамлакат вакиллари шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро тадбирларда фаол иштирок этдилар.

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар Ислам конференцияси ташкилоти, Ислам тараққиёт банки ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи доирасида ҳам изчил ривожланмоқда. Ўтган йили мазкур ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистонга келиб, қатор музокаралар ўтказдилар. Хусусан, Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг Тошкентда ўтган мажлисида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва коммунал инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган йиғирмага яқин устувор лойиҳани амалга ошириш учун 800 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя жалб қилишга келишиб олинди. Бу лойиҳаларда мазкур гуруҳ таркибига кирувчи Ислам тараққиёт банки ва Саудия Арабистони Тараққиёт жамғармасининг иштироки салмоқли бўлади.

Оқсаройдаги учрашувда Ал-Валид бин Талол бин Абдулазиз Ол Сауд самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(Ў.А.)

АССАЛОМ, НАВРЎЗ!



Ўлкамизда Наврўзи олам ўз сепини ёймоқда. Юртимиз узра, ҳар бир шаҳару қишлоқ бўйлаб уйғониш айёмининг нафаси ҳужмрон. Яшариш, яшатиш иштиёқи одамлар қалбига, шоир илҳомига, ҳофиз қўшиғига, бободех-

қонларимиз гайратига кўчган. Маҳалла-гузарларимизда ободончилик юмушлари авежда. Мамлакатимизнинг ҳар бир гушасида рўй бераётган ўзгаришлар, турмуш тарзини янада фаровонлаштириш мақсадида ҳаётга тат-

биқ этилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, байрамлар бизга ярашади. Азалий удумларимиз рамзи, меҳру оқибат тимсоли Наврўзи олам туфайли ҳар қанча шодумон бўлсак,

ярашгай. Яшариш, яшатиш, саховат шодийниси — Наврўзи олам муборак, азизлар!

(Наврўзи оламга бағишланган материалларни газетанинг 2 ва 3-бетларида ўқийсиз.)

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Маҳсулотнинг 60 фоизи экспортга

Балиқчи туманидаги «Алишер Навоий» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган сифатли қалава ип АҚШ, Бельгия, Жанубий Корея, Туркия, Россия, Италия, Швейцария, Польша каби кўплаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Эскирган дастохларнинг илгор технологиялар билан алмаштирилиши, хусусан, Германиядан келтирилган пахта толасини тараш, пилташ жихозлари, Хитойнинг йиғириш, пиллаш дастохлари ишлаб чиқариш ҳажми оширибгина қолмай, маҳсулот сифатини кескин яхшилаш имконини ҳам берди. Натيجида корхона бир кеча-кундузда 26 тонна пахта толасини қайта ишлаб, 23 тонна қалава



ип тайёрлаш қувватига эга бўлди. Маҳсулотнинг 60 фоизи эса экспортга чиқарилмоқда. **Одилжон ШОДНОАЛИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Имкониётлар манбаи

Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони кейинги бир йил ичидан яна 10 тага кўпайди. Уларнинг 6 таси туманларда ташкил этилган бўлиб, қишлоқларга замонавий санаяти олиб кириш имконини берди.

Масалан, Косонсой туманининг «Ешлик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида иш бошлаган «Баркас текс» қўшма корхонаси момик сочиқ тайёрлашга ихтисослаштирилган. Россиялик шериклар унга 125 миң АҚШ доллари миқдоридagi сармоя билан улуш қўшишди. Наманган туманида рўйхатдан ўтган «Тошбулоқ-текс» қўшма корхонаси ҳам россиялик ишбилармонлар кўмагида барпо этилди. Лойиҳадagi қувватга эришилгач, йилга 5000 тонна қалава ип тайёрланади ва у тўлалигича экспортга чиқарилади. Яна бир энгил санаят корхонаси — «Мега текстил» Уйчи тумани иқтисодий ривожига ҳисса қўшади. Бу ерда туркиялик ҳамкорлар билан биргаликда 1163 миң АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция ўзлаштирилиб, қурилиш-монтаж ишлари нихоясига етказилди.

Ўтган йили вилоятда экспорт ҳажми 107,6 миллион доллари ташкил этиб, бу борада 11,6 фоиз ўсishга эришилди. Ташқи савдо айланмасининг бешдан бир қисми қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Президент Ислам Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожига янги давр муқаддимаси бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи жаҳоннинг турли мамлакатлари иқтисодий-саноий, академик, тахил ва дипломатия доираларида, халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига амалга оширган илк расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги давр очгани ҳақида яқдил фикр билдирмоқдалар.

Саудия Арабистонида араб тилида чоп этилувчи нуфузли «Ал-Жазира» газетаси ўз саҳифаларида «Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Абу-Дабидаги ташрифи доирасида Ўзбекистон ва БАА ўртасида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди» сарлавҳали мақолани эълон қилди.

Унда юртимизнинг араб дунёси билан алоқалари изчиллик билан ривожланиб бораётгани ва бу йўналишда БАА муҳим ўрин эгаллаши хабар қилинган. Мақола муаллифининг фикрича, гарчи географик жиҳатдан бир-бирдан олис бўлса-да, ҳар икки мамлакатни умумий тарихий илдишлар бирлаштириб туради. Яқинда Абу-Дабида Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг очилиши томонлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга бўлган интилишдан далолатидир.

Мақолада таъкидланганидек, Бирлашган Араб Амирликлари раҳба-

рияти Ўзбекистонни Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи давлат деб билди. Ўз навбатида, БАА Ўзбекистоннинг Форс кўрфазини минтақасидаги асосий савдо шеригидир. Сиёсий, иқтисодий соҳалардаги,

Дунё нигоҳи

шунингдек, хавфсизлик масалаларидаги ўзаро ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши бўлиб келмоқда. Араб мувофиқлаштириш гуруҳи доирасида ҳам яқин алоқалар ўрнатилган.

Мақолада, шунингдек, Абу-Даби Тараққиёт жамғармаси Ўзбекистонда таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва сув хўжалиги соҳаларида қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштираётгани хусусида маълум қилинади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БААга

ташрифи давлатлараро муносабатларни фаоллаштириш йўлидаги муҳим босқич бўлиши шубҳасиздир», дея қайд этилди мақолада яқинда.

«Ал-Халиж» газетаси (БАА) «Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустақамлашга қизиқиш билдираётганини таъкидлади» номли мақолани чоп этди. Унда олий даражада бўлиб ўтган музокаралар жараёни ва яқинлари, шунингдек, икки мамлакат ўртасида эришилган келишувлар кенг ёритилган.

Жумладан, газетادا БАА вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум мамлакат раҳбарияти Ўзбекистон билан барча соҳалардаги ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни янада мустақамлашга қизиқиш билдираётгани таъкидланади.

«Ўзбекистон делегациясининг ташрифи 2007 йилда Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувларнинг мантйқий давоми бўлди, — деб ёзилади мақолада. — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга юксак даражадаги эҳтиром кўрсатилди. Олий мартабали меҳмон ўз юртига учиб кетиши олдиндан шайх Муҳаммад ўзи бошқарган автомобилда И. А. Каримовни Дубай шаҳридаги диққатга сазовор жойлар билан таништирди».

(Давоми 2-бетда).

«General Motors Uzbekistan» қўшма корхонаси кузатув кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Пойтахтимиздаги «Интерконтенталь» меҳмонхонасида шу масалага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

XX асрнинг сўнгги йилларида Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар сафига қўшилди. Қисқа давр мобайнида эса Асақдаги автомобиль заводиди ишлаб чиқарилаётган «Нексиа», «Дамас», «Матиз» ва «Ласетти» машиналари ўзининг юксак техник хусусиятлари, замонавий дизайни ва бошқа кўрсаткичлари боис ички ҳамда ташқи бозорда ўз харидорини топди. Табиийки, бундай натижага автомобиль заводида модернизациялашга бирламчи омил сифатида қаралгани, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг татбиқ этилганилиги, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан тенг мақнафайли муносабатларнинг йўлга қўйилганлиги туфайли эришилди. Ўтган йилнинг кузидида ўзбек автомобилсининг «Шевроле» русумидаги уч янги авлоди — «Captiva», «Epica», «Tasuta» машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани эса кўпчилик «мўжиза» дея тарифлади. Жорий йилда улар сафига «Chevrolet Lacetti» ҳам қўшилиши корхона салоҳияти ва нуфузи оқсалаётганидан дарак беради.

«GM Ўзбекистон» қўшма корхонасининг мамлакатимизда фаолият бошлаётгани ўзаро ишонч ва тенг манфаатли ҳамкорлик самарасидир, — деди матбуот анжуманида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Улуғбек Рўзиқулов. — Жуда оз муддат ичиди барча тайёргарлик ишларининг тўла-ўткиз бажарилишида Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши катта аҳамият касб этди. Албатта, янги қўшма корхонанинг ишга туширигани автомобилсозлигимизда

илгор тажриба ва янги технологияларни ўзлаштириш имконини беради. Айни чоғда, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ҳам хизмат қилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан намулумки, ҳар қандай корхонанинг иқтисодий ривожланишида малакали кадрлар муҳим роль ўйнайди. Шу боис қўшма корхонада фаолият кўрсатаётган 4700

дан зиёд ишчи, бошқарув тизимидаги ходимлар «General Motors» корпорациясининг энг илгор заводларида тажриба орттирдилар. Бундан ташқари, корхонага малакали экспертлар томонидан доимий тарзда амалий ёрдам бериш ҳам йўлга қўйилди.

Маълумотларга қараганда, Асақдаги автомобиль заводида жорий йилда 200 миңта автомобиль ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Янги қўшма корхонанинг ишга туширилиши эса бу миқдорни 50 миңга ошириш имконини яратди.

Матбуот анжуманида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ҳамда «General Motors» корпорациясининг вакиллари томонидан янги қўшма корхона ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга, Марказий Осиё ва Шарқий Европа давлатларида автомобиллар бозорини кенгайтиришга хизмат қилади, дея алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шу кун «Ўзэкспомарказ»-да Асақдаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилган «Нексиа»нинг янги ва замонавий моделининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

Сандоллим ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МЕЛИОРАЦИЯ — ЕР САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛИ



2008 йилда республикамизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадлари учун 75 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Бу маблағнинг катта қисми коллектор-дренаж тармоқларини қайта тиклаш ва тозалаш, пудратлаш ва сув хўжалиги ташкилотларини лизинг асосида замонавий техника билан таъминлашга йўналтирилиши соҳасини интенсив ривожлантириш, ўз навбатида, қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини оширишнинг зарур шарти ва гарови бўлиб хизмат қилади.

Бир рақам шарҳи

Наврўз кунларида Вобкент, Ғиждуво, Когон туманлари қишлоқ йўлларида Самарқандда ишлаб чиқарилган «ISUZU» русумли автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

Қишлоқ йўлларида — «ISUZU»

Илҳам ва қулайлиги боис бу автобуслар йўловчиларга маъқул тушмоқда. Бошқа туманларда ҳам қишлоқлараро қатновчи шундай автобусларни лизинг асосида сотиб олиш кўзда тутиляпти. Ҳозир Бўжоро вилоятида «ISUZU» русумли 40 тадан зиёд автобус йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГҶЗ АМ ДИЎР ИМИЗ

Президент Ислом Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожига янги давр муқаддимаси бўлди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг БААга ташрифини эритар экан, «Синьхуа» ахборот агентлиги давлат бошликлари даражасида, шунингдек, вазирлар ўртасидаги музокаралар шаклида ўтказилган икки томонлама урсувларнинг амалий натижаларига эътиборни қаратади. Жумладан, Ўзбекистон ва БАА ўртасида ўзаро муносабатлари янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор келишувлар имзолангани таъкидланади.

Давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги амалий чора-тадбирларга тўхталар экан, «Синьхуа» ахборот агентлиги БАА пойтахтида ташкил этилган иқтисодий форумда ҳар икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари ўзаро ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини муҳокама этганини қайд этди.

Россиянинг «Интерфакс» ахборот агентлиги хабарига имзоланган муҳим давлатлараро ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳайнинг қўшма баёноти тўғрисида маълум қилинади.

Агентлик «Давлат раҳбарлари расмий музокаралар чоғида турли йўналишларда, жумладан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги икки томонлама алоқаларнинг бугунги ривожидан мамнун эканликларини билдирди», деб ёзди.

БАА президенти Ўзбекистоннинг халқ фаровонлигини юксалтириш ва Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни қарор топтириш борасида қўлга киритган ютуқларини қайд этди, — дейилади «Интерфакс» хабариди. — Долзарб масалаларни муҳокама этиш чоғида давлат раҳбарлари минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш муҳимлигини эътибор қаратди. Улар мамлакатлар билан муносабатларда ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, шунингдек, оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик та-

моийларини қўллаб-қувватлашларини маълум қилди.

Араб тилидаги «Ййлаф» мустақил интернет нашри Президент Ислом Каримовнинг БААга ташрифи якуни янада олий даражада бўлиб ўтган музокараларни шарҳлаб, Абу-Дабидаги саммит икки томонлама муносабатлар ривожига янги давр муқаддимаси бўлди, деб ёзди.

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган ИҚТнинг Ислом ахборот агентлиги ўз интернет саҳифасида «Бирлашган Араб Амирликлари ва Ўзбекистон: ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди» сарлавҳали мақолани жойлаштирди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг БААга ташрифи чоғида имзоланган муҳим ҳужжатлар тўғрисида хабар берилади. Жумладан, сиёсий, иқтисодий соҳалардаги ҳамда хавфсизлик масалаларидаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши экани зикр этилган.

Ташрифи кузатиб борган экспертларнинг фикрича, иқтисодий сўбаст борада давлатлар раҳбарлари умумий ёндашувга эга экани савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун катта истиқболлар эшигини очди. Музокаралар чоғида томонлар ўзаро алоқаларда иқтисодий йўналишни устувор тартибда ҳар тарафлама ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

ХХР Ташкил ишлар вазирлиги хузуридаги Хитой халқро муаммолар институтининг ШХТ тадқиқотлари маркази директори Чэнь Юйжун фикрига кўра, Ислом Каримовнинг БААга мазкур ташрифи Ўзбекистоннинг араб дунёси мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга бўлган интилишининг тасдиғидир.

Муҳокама этилган кенг доирадаги масалалар, шунингдек, имзоланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга ўзаро қизиқиш билдирилаётганидан далолатдир. Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликларининг халқро ҳамда минтақавий хавф-

сизликка нисбатан нуқтаи назарлари яқинлиги, шунингдек, икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришга бўлган интилиши бу борада муҳим омил бўлаётган, дейди хитойлик эксперт.

ХХР ижтимоий фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти ходими Су Чан таъкидлаганидек, имзоланган икки томонлама келишувларнинг ўзидек мазкур ташрифнинг нечоғли самарадор бўлганини кўрсатмоқда. Бинобарин, бунинг замирида икки халқнинг маънавий-маданий яқинлиги ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда дунёга ном тاراتган тарихий-маданий меросни тиклаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ушбу мамлакат билан БАА ва бошқа араб давлатлари ўртасидаги ҳамкорлиқни самарали ривожлантиришнинг муҳим шарт бўлиб хизмат қилади.

Сеулдаги Эхва университети Халқро тадқиқотлар мактаби профессори Чой Бён-ил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташрифи якуни янада баҳолар экан, ташриф Марказий Осиё билан араб мамлакатлари ўртасида муваффақиятли ҳамкорлик учун муҳим аҳамиятга эга, дея қайд этди.

«Амалга оширилаётган иқтисодий ва таълим ислохотлари қўламли жиҳатидан Ўзбекистон ўз минтақасида етакчи ўринни эгаллагани каби, БАА ҳам сўнгги йилларда араб мамлакатлари сафида бу борада пешқадамлик қилмоқда.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак корейлик ишбилармонлар ҳамда давлат амалдорларини миллий ва халқро бизнес фаолияти учун имкон қадар дўстона ва самарали муҳитни яратиш борасида БААнинг иқтисодий ислохотлар тажрибасини ўрганишга бир неча бор даъват этди. «Шу маънода ҳудудда катта миқдорда табиий захиралари мавжуд Ўзбекистон, углеводородларга бой БАА мисолида иқтисодийни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муваффақиятли намунасига эга бўлди», дейди у.

«Токио» жамғармаси етакчи эксперти Ёшиаки Сасакининг фикрича, Узоқ Шарқ ва Европа иқтисодий ишлаб чиқариш йўллари чорраҳасида жойлашган БАА «халқро иқтисодий марказлардан бири» сифатида эътироф этилган. Шу маънода Ўзбекистон раҳбариятининг Бирлашган Араб Амирликлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатish борасидаги оқилона амалий қарори мамлакатлар ўртасидаги ишбилармонлик алоқалари фаолигининг янада кенгайишини таъминлайди ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган сармоялар ҳажмининг ўсишига хизмат қилади.

«Икки давлат ўртасида эришилган пахта толасини етакчи бериш тўғрисидаги келишув Ўзбекистон раҳбариятининг ҳар тарафлама чуқур ўйланган стратегиясидан далолатдир. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг муқобил йўллар орқали жаҳон бозорига чиқишини таъминлашга йўл очиб шубҳасиз», дея таъкидлади Ё. Сасаки.

Академик Р.Раҳмонлиев (Қирғизистон) жортимиз делегациясининг Абу-Дабидаги ташрифи мубайнида эришилган иқтисодий йўналишдаги келишувлар хусусида тўхталиб, БАА нефть савдосидан тушадиган даромаддан давлат иқтисодиётини диверсификациялаш ва уни юксалтириш йўлида омилкорлик билан фойдаланиб келаётган мамлакатлар сирасига киришини қайд этди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ички иқтисодий ислохотлар гоёси ҳам айнан шунга ўхшаш хусусиятга эга. Бу, яъни, мавжуд ўз ресурсларини иқтисодийни ривожлантириш ва модернизация қилиш, замонавий санат технологияларини жорий этишга имкон қадар кўпроқ сафарбар қилишдан иборат.

Р.Раҳмонлиев ўз сўзи якунида ташриф чоғида савдо-иқтисодий соҳада, шунингдек, молиявий ва сармоявий ҳамкорлик борасида бир қатор йирик битимлар имзолангани Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларнинг мустаҳкам пойдевори асос солганини таъкидлади.

«Жаҳон» АА.



ДИЛЛАР ҚУВОНЧИ

Ер чигит экишга ҳозирлаб кўйилган. Буларнинг барига шу ишчилар мезнаги туғайи эришиди. Мезнанинг самараси байрамга файз қўшаётгани аниқ.

Кумқўрғонликлар учун туҳфалар бисёр. Масалан, туманинг «Алоқа-инвест» ҳиссдорлик жамиятига қарашли Бухоро алоқа кўча механизациялашган жамланмаси ишчилари туман ахлига байрам қўнлари рақамли алоқа хизмати тизимини совға қилишди.

— Монтаж юмушларини ниҳояладик, — дейди жамланма раҳбари Сайфулла Раззоқов. — Ана, қаранг, Ойбекжон, Шўратжон, айниқса, тракторчимиз Бозор Сафаров сингари ёшлар вақтни шошириб ишлашмоқда. Туманинг «Янгиқшлоқ» маҳалласида эса, неча қундир-

ки, Наврўз шукҳи ҳукмон. Маҳалладаги бешта болалар ва ўсириллар футбол жамоалари Наврўз соврини учун саралаш беллашувларини бошлаб юборишган. Бу ерда ҳар Наврўз полковлар фермерларнинг совринларини қўлга киритиш учун давра айланмади.

— Бу йил миллий спорт ўйинлари мусобақасини ўтказаяптимиз, — дейди маҳалла фуқаро йиғини раиси Холмамет Жўраев. — Шу билан бирга, волейбол ва енгил атлетика жамоаларини ҳам туздик. Қизларимизга эса момолар чанқовуз, доира наволарини ўргатишмоқда. Наврўз ҳар бир жон, ҳар бир хонадон учун чинакам шодибанага айланган.

Дарвоқе, янгиқшлоқлик фермер Чори Мўминов маҳалла гузарини куриб битказаяпти.

Кўчалар, сув йўлларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

— Воҳадаги 691 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳар тўртдан бирида Наврўз тантанаси шинам ва обод гузарларда ўлказаётини кўнгилидир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси ўринбосари Холмуҳаммад Эргашев. — Яна ўнлаб маҳаллардада айни Наврўз қўнлари гузарлар бунёд этиш юмушларига киришилмапти. Бундай хайри тadbирлар ўз-ўзидан катта хашарга айланиб кетмоқда. Наврўз дилларни дилларга пайваста этгани шу эмасми?


Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МЕХР ОҒУШИДА

Ўзбекистон Болалар жамғармаси Жиззах шаҳар бўлими уюштирган тadbирга 29-«Мехрибонлик ўйи» тарбияланувчилари, шаҳардаги кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилди.

Шу кун кам таъминланган оилалар фарзандларининг хатна тўйи ҳамда турли миллатга мансуб ўғил-қизларнинг мучал ёшлари нишонланди.

Тadbир давомида қўнми ташкилот ва қорхоналар вакиллари тўйга ташриф бурган ўғил-қизларни Наврўзи олам билан табриқлаб, совға-салом улашдилар.



Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САХОВАТ

Тонг оқармасдан Сурхон соҳилидаги кенгликка йўл оламиз. Икки қўлим-даям тугун, уларда онам пиширган қўқат чучвара, ялғиз сомса ва киши билан тикиб чиққан кашта, сўзаналар бор. Қўни-қўшиллар билан гурун-гаштак қилиб, яшилликка бурканган сайхонликка етиб келганимизни ҳам билмай қоламиз. Ҳадемай, юпқа булутлар орасидан баҳор қўйи мўралайди.

ФАСЛИ НАВБАҲОР СЕҶРИ

Наврўз шодибнаси бошланади. Карнай, сурнай ва ногора овозлари оламни тугади. Қўқорбозлар кўкжор, хўрозбозлар хўроз уриштиради. Ешу қари рақсга тушади. Шунда узоқдан отликлар қўрғина бошлайди. Булар мезмонлар. «Ғалаба» фермерлар уюшмасининг раиси Маматқул Абдуллаев уларни ушундлик билан кутиб олиб, давранинг турдан жой кўрсатади. Чордонга қўрғак, дилдаги ёрборни аригатадиган гурунлар авқиға минади.

Бир гуруҳ момолар сумалак пиширишга, эрқаклар эса ош, қайнатма гўшт ва албатта, жиз тайёрлашга чоғланади. Биз, ёшлар эса уларга ўтин, сув ва бошқа зарур нарсаларни етакчибу турамиз.

Пиру бадавлат отахонларнинг юзида табассум. Нуронилар ўтган замон қўнларини хотирлашиб, бугунги дорилоним қўнларга шукроналар айташади.

— Мустақиллик бор бўлсин, — дейди Мэнгнор боло, — Шу улғурвор неҳмат туғайли фаровонлик, тўқин-сонинликка ашялғимиз. Бир сўз билан айтганда, ўзимизни таниб бораёламиз. Мана, азалий байрамимиз — Наврўзнинг очик-ойдин, барчамиз баҳамжхалликка ўтказаятиш бахтига мўясар бўлдиқ. Илгару бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Лекин Наврўз ҳар бир хонадонда, алоқдорларимиз руҳида, қонда давом этаверди. Бизнинг эндиқи вазиғамиз ота-боболаримиздан мерос Наврўз аъналарини болаларимизга бус-бугун етакшидир.

— Наврўз — халқимизнинг ўлимиз маънавий, маданиятини ўзида жамул-жам этган миллий байрам, — дейди қишлоқнинг закий оқсоқоли Чори бобо. — Нўх пайғамбар ва Урузхон ҳақдаги ривоят ва арфсоналарда ҳам Наврўз одамларнинг меҳр-оқибат, бағрикенглик ва олижаноблигини намойён этадиган миллий шодибналардан бири, деб айтаман. Маросимларда жонлиқ сўйилиб, омилкорларнинг ябига кут-барақа сўраган. Қўнлар, ақдодларимиз Қайта кўнни интиқлик билан кутганлар. Бу кунда гина-қудрат ва арзалар унутилган. Одамлар бир-бирларига дилбарлик ва дилоромлик улашиб, ширинсухан бўлганлар...

...Сумалак пишираётган момолар тинимсиз кап-гир айлантиришади. Улар каштачилик, зардузлик ва попоқчилик намуналарини ҳам намойиш этишади. Оналариимизнинг юрак қўри тўлган санъат матоларини кўриб, тасанюлар айтишимиз келди.

Дошқозондаги таом қизғиш тусга кираверган, лағар, алёрлар айтиш бошланади. Халқимизнинг завол кўрмай келаётган қадим ижодиёти хотин-халаж ва момоларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади.

Наврўз келди, дўстлар, айтингиз алёр. Алёрга жүр бўлсин, сөз ила шибор...

Назоқат моёмо ашулага ҳамоҳанг қилиб, доира чалади. Доиранинг енгил, ўйноқи ва атоқибали сағдоси дилларни қалқатади. Қил-қизил элас кийган қиз-жувонлар кашта, дастурмоилар тикишиб, сеғви-муҳаббат ва она Ватан тўғрисида ашулалар айтишади.

Ёшлар «Ок теракми, қўқ терак», «Чиллак», «Қўлок чўзма», «Соққа» каби ўйинларни ўйнашади. Ушбу қўқолам ўйинларида болаларнинг ажирлиғи ва чаққонлиги синалади. Абдурауф ака Ибрагимов ўйиннинг ҳалол ўтишини кузатиб боради. Фойлибарни пул ва туҳфа бўмлар билан сийлайди.

Тушга бориб ош сузилади. Тўқин-сонин дастурхонага баҳорий таомлар — қўқ сомса, варақи сомса, гилминди, ҳалим, ҳолайтар, қайнатма гўшт, жиз тортилади. Ҳамма дастурхон афсофига йиғилиб, тансиқ егуликлардан баҳраманд бўлади. Нуронилар эса дуога қўл очиб, Яратгандан элу юртта омонлик, ҳолига барақа сўрайдилар.

Тушлик тугаган, Сурхоннинг жияғида кўпқари бошланади. Юзлаб чавадозлар отларига қамчи босиб, улқоқи олиш учун жон-жаҳдлари билан қўршади. Қайси чавадоз улқоқи чилғида қўрса, бақовуллик қилаётган Нормўмин полвон дарҳол дакки беради. Шунинг учун чавадозлар ҳалол-лиққа қатъий риоя қилишади.

Шундан кейин кураш бошланади. Унга раис бувағият ўзи бақовуллик қилади. Узоқ-яқудан келган курашчилар бирин-кетин курашга тушади. Улар муқофот учун эмас, балки ор-номус, гурур учун олишадилар.

Уйин-қулги кечга бориб ниҳонсига етади. Рудимиз ҳар қунгидан тетик, ҳорис нималигини билмаймиз. Тунда тушимизга-да Наврўз кириб чқайди.

Эртасига «Сумалак сайли» бўлади. Ҳамма дошқозонни тавоф қилиб, илоҳий ноҳматдан тотиб кўради.

Ўзбекистонимизда Наврўз неча минг йиллар мобайнида Йилбоши байрам бўлиб келган. Аммо тарихда миллатимиз бошига тушган синовлар Наврўз байрамимиз бошига ҳам тушди. У гоҳида эътибордан четда қолди, гоҳида умуман тақиқланди. Аммо ХХ асрнинг охириги ўн йиллигида Ўзбекистон эришган мустақиллик Наврўз байрамига ҳам янги ҳаёт бағишлади. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон давлатининг бошлияи сифатида иш бошлаган 1989 йилда Наврўз кайтадан кенг қўламада нишонлана бошланди. Юртбошимиз 1990 йилдан бошлаб 21 март кунини Наврўз миллий халқ байрами сифатида белгиллаб, уни дам олиш кўни деб эълон қилувчи ҳукумат қарорини имзоладилар. Наврўз ҳаётимизга, қалбимизга қайтди. Мана, ўн саккиз йилки, Наврўз руҳиятимизга қувонч ва эзуликларни тинимсиз улашиб келмоқда.

Наврўзнинг ўзига хос ҳикмати шундаки, бу айёмда гина-арзалар унутилди, бир-бирова бўлган меҳр-оқибат, илоҳ, эътиқод туғайлари тўлиб тошди. Аҳулик, оғиз-бирлик, интилуванлик, яшариш, яшатиш, янгилиниш, бунёдкорлик Наврўз юраги-

мизга нақш этган гўзал фазилатлардир. Наврўзда қадимий ва замонавий одатлар уйғунлашиб, улар одамлар ўртасида инсоний фазилатларнинг равақ топишини таъминлайди. Олижаноблик, соҳийлик, раҳмдиллик каби гоғайларни янада улғулайди. Зеро, Президентимиз таърифлаганларидек, «Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиятнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга, бизнинг неча минг йиллик миллий кўфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир». Ҳа, албатта, Наврўз аждодларимизнинг энг яхши фазилатлари, фикрлари, тажрибалари, ютуқлари, қадриятларини ўзида муҳасамалаштириб, жамиятимизни ахлоқий соғломлаштиручи, инсонпарварликни барқарор этувчи ва аҳолининг маънавий камол топишига хизмат қиладиган муҳим омилдир.

Мустақиллик йилларида Наврўз Юртбошимиз ташаббуси билан чинакам умумхалқ байрамга айланди. Бу айём фақат қўламан фаслидаги янгилиниш тантанаси эмас, балки қадриятларимиз боқийлиги, миллийлигимизнинг оммавий ифодаси сифатида байрам қилинадиган бўлди. Наврўз ерга нур, элга

ЯШАРИШ ТИМСОЛИ



Наврўз — энг халқчил байрам. Уни халқнинг ўзи яратган. Элининг энг тоза, энг эзгу орзу-ниятларидан яралган. Яъни, Наврўз бунёдкорлиқни, яратувчанликни, экишни, кўкартиришни, ердаги ҳаётни яшатишни неча минг йиллардан буён улуглаб келаяпти. Ахир инсоният учун бундан-да азиз мақсад, орзу-ният бўлиши мумкинми? Одамзотдаги ана шундай матонатли, ёруғ, олижаноб аъмолларни тинимсиз эъозлаб келаятганлиги учун ҳам Наврўз ҳаммага эъозда ва ардоқдадир. Наврўзнини унуттиш, менсимаслик — одамзотнинг энг яхши орзу-ниятлишларидан юз ўгириш билан баробардир.

гурур, дилга сурур бағишлайдиган, меҳру муруватли халқимизнинг азалий урф-одатлари бутун буй-бастини яқол кўрсатадиган шодибанага айланди.

Ҳар йили муазам майдон — Ўзбекистон Миллий боғида бошланадиган Наврўз шодибналарота юртимизда

асрлар давомида шаклланган саховатпешалик, она тупроққа меҳр туғайларининг тантанаси, бир йиллик бунёдкорлик ишларининг дебоҳаси сифатида бутун мамлакатимиз бўйлаб халқ сайлларига улашиб кетади. Шу маънода ҳазрат Навойи бобомиз «ҳар кунинг наврўз бўлсин», деганларидек, ҳар кунимиз хайру саховат, яратувчанлик кайфияти билан ўтишини тилаган бўлсалар, ажаб эмас.

Мустақиллик шарофати билан Наврўз мазмунан ва шаклан бойиди. У мамлакатимизнинг асосий байрамларидан бирига айланди ва ҳар йили юртимизда, унинг узоқ-яқудан келган ва кишлоқларида — барча гўшаларида бу байрам катта тантаналар билан кенг нишонланмоқда. Тошкент шаҳридаги Алишер Навойи номили «Ўзбекистон Миллий боғи» да энг йирик театрлашган томошалар намойиш этилади. Асосий томошалардан сўнг барча саро-роҳчиларда, маданият

ва истироҳат боғларида, шунингдек, бошқа жойларда халқ сайиллари бўлиб ўтади.

Қолаверса, бу айём арафасида шаҳар ва кишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, қорхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайри аънага айланади. Юртимизда шу қўнларда янги қўшма қорхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, тибийёт муассасалари, спорт мажмуалари, маданият ва хизмат кўрсатиш иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда.

Юртимизда буюк болаларимиз асрлар давомида яратган бекийё маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун холда ривожлантириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Юртимиз, дарҳақиқат, бу йил Наврўз мамлакатимизга эзгу ва хайрли юмушларни бошлаб келаятгани билан ҳам ўзига қадрқимматга эга. Зеро, «Ёшлар йили» деб эълон қилинган йилда жамиятимизда, кишиларимиз ўртасида халқимизга хос фазилатлардан бўлган ўзаро меҳр-оқибат, қадрқиммат, хайру саховат, ёшларга ғамқўрлик, уларга тўғри йўл кўрсатиш сингари инсоний аъмоллар янада ривож топлмоқда. Бу борада давлатимизнинг махсус дастури қабул қилинди. Ишонимизки, наврўзона кайфият Ёшлар йилида ҳам доимий ҳамроҳимиз бўлади.

азалдан инсоният тамаддуни, жумладан, ислом дини маданияти бешкиларидан бири сифатида машҳур. Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг қўллаб соҳалари тараққийга қўшган бебаҳо хиссасини дунё ахли кенг эътироф этган. Мамлакатимизда аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор ва ғамқўрлик кўрсатишмоқда. Буюк аллома ва азиз авлиёларимиз муқаддас қадимларимиз таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимиз доим Наврўзнини ўзига бир соғинч, интиклик ва илҳамлик билан қарши олади. Ёшу қари кўча ва хиёболарга, гузар ва сайилгоҳларга, дашту далаларга, қир-адирларга чиқади. Сайил кизийди: ҳофизу хонандалар хонши қилади, бахшиллар дўмбира чертади, терма ва лапарлар янграйди, аскиячи ва қизиқчиларнинг ичақузи латиғаю пайровалари қўнлиларга шодлик улашади. Кишлар дорбозу морбоз, бас-харабозу кўйрочқобозлар маҳсу-си, улқо-қўпқари, пойга, кураш, мерганлик томошаларида завқланишлар. Дастурхонларни баҳорий таомлар беэайди, дошқозонларда сумалак қайнайди...

Бу йил Наврўз мамлакатимизга эзгу ва хайрли юмушларни бошлаб келаятгани билан ҳам ўзига қадрқимматга эга. Зеро, «Ёшлар йили» деб эълон қилинган йилда жамиятимизда, кишиларимиз ўртасида халқимизга хос фазилатлардан бўлган ўзаро меҳр-оқибат, қадрқиммат, хайру саховат, ёшларга ғамқўрлик, уларга тўғри йўл кўрсатиш сингари инсоний аъмоллар янада ривож топлмоқда. Бу борада давлатимизнинг махсус дастури қабул қилинди. Ишонимизки, наврўзона кайфият Ёшлар йилида ҳам доимий ҳамроҳимиз бўлади.

Олимжон АЛИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«ЎЗКИМЁСАНОАТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон
кимёгарлари
номидан
халқимизни

Наврўз

байрами билан
самимий муборакбод
этади!



*Ушбу баҳор
айёми ҳар бир
хонадонга
тинчлик-
хотиржамлик,
файзу барака
келтирсин.*

*Барчага сиҳат-
саломатлик,
бахт-саодат ва
эзгу ниятлари
амалга ошишини
тилаймиз.*

kdb

Korea Development Bank



UzKDB Bank

Ҳар бир мижоз учун
глобал имкониятлар

*«ЎзКДБ» банк жамоаси бутун Ўзбекистон халқини
баҳор ва янгиликни байрами — Наврўз айёми билан
муборакбод этади!*

VISA

Осон, қулай ва хавфсиз



Пушкин кўчаси, 1-уй.

100000, Тошкент, Ўзбекистон

Тел.: (998 71) 120-8000

Факс: (998 71) 232-0800.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН



O'ZKABEL

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
МАРКАЗИЙ ОСИЕНИНГ КАБЕЛЬ-СИМ МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИ ЙИРИК ЗАВОДИ «O'ZKABEL»
СИЗЛАРНИ ҒУЗАЛ БАҲОР АЙЁМИ —
НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

НАВРЎЗ ОИЛАНГИЗГА СИҲАТ- САЛОМАТЛИК, ШОДЛИК, БАХТУ САОДАТ,
БАРАКА ОЛИБ КЕЛСИН!
ОМАД СИЗЛАРГА ЁР БЎЛСИН!



100041, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ф. Хужасев кўчаси, 2-уй.
Тел./факс: (+99871) 262-02-86, 262-13-33, E-mail: marketing@uzkabel.uz, www.uzkabel.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам
билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада
босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



Газета таҳририят компьютер марказида
териялди ҳамда операторлар
Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусахҳиҳ — Ш. Манраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. Ғза яқуни — 21.55 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6 7 8